

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВА МАШХУРА ЖУМАНОВНА

XV АСР ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚАСИДА ЖАНРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Хасанова Машхура Жумановна

XV аср туркий шеърятда қасида жанри 3

Хасанова Машхура Жумановна

Жанр қасыды в тюркской поэзии XV века 23

Khasanova Mashkhura Jumanovna

Genre of Qasida (Ode) in Turkic poetry of the 15th century 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВА МАШХУРА ЖУМАНОВНА

XV АСР ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚАСИДА ЖАНРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1PhD/Fil393 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва “Ziynet” ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эркинов Афтондил Садирхонович**
филология фанлари доктори, профессор

Эшонқулов Ҳусниддин Примович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса: **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ж. Ҳамроев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.

А.Б. Пардаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

Д.И. Салохий,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида шарқ халқлари адабий жанрлари, хусусан, қасида жанри поэтикасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада қасида жанрининг мукамал таснифи яратилиб, унинг адабий алоқалар орқали бир адабиётдан бошқасига ўтиши каби масалалар ёритилишига эришилган. Адабиётшуносликнинг бу каби назарий концепциялари қасида жанри орқали ифода этилган мавзу ва ғояларнинг адабий-бадий, маънавий-маърифий хусусиятларига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Дунё адабиётшунослигида қасида жанрининг генетикаси ва эволюцияси, бошқа халқлар адабиёти ва лирик жанрларига таъсири масалаларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан саналади. Сиёсий майдонда маълум сулоланинг пайдо бўлиши ва тараққиёти натижасида юзага келган мадҳ қасидалар ҳамда янги тушунчалар, талқинлар, тасаввурлар ва дунёқарашларнинг ўрин алмашиши оқибатида пайдо бўлган фалсафий қасидалар муайян даврнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қиёфасини очиқ беришда катта аҳамиятга эгадир. Бу эса қасида жанрининг ғоявий-бадий, структурал, поэтик ва услубий жиҳатларини қиёсий аспектда ёритиш, қасидагўй шоирларнинг бадий маҳоратини аниқлаш, XV асрда яратилган қасидаларни бугунги кун талаблари асосида тадқиқ этиш ҳамда уларнинг танқидий матнини яратиш лозимлигини кўрсатади.

Истиқлол йилларида мумтоз адабиётимиз намояндаларининг таржимаи холи, ижоди, улар яратган бемисл адабий ёдгорликлар бирламчи манбалар, янгича илмий концепция асосида ўрганишда жиддий ютуқларга эришилди. Адабиёт ва маънавият давлатимиз сиёсатининг бош масаласи бўлиб турган бугунги кенг кўламли ислохотлар даври қасида жанри, унинг туркий шеъриятдаги ўрни, XV аср туркий шеъриятида яратилган қасидалар, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари каби масалаларни чуқур тадқиқ этиш ва монографик планда ёритиб бериш заруратини юзага келтирди. Зеро, “*Hozirgi kunda O`zbekistonimizning kitob fondlarida 100 mingdan ziyod qo`lyozma asarlar saqlanmoqda. Afsuski, bu nodir kitoblar hali to`liq o`rganilmagan, ular olimlar va o`z o`quvchilarini kutib turibdi*”¹. Шу нуқтаи назардан туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқининг иккинчи ренессанс даври – XV аср ижтимоий-маънавий ҳаётини ўзида ифодалаган нодир асарлар сирасига кирувчи қасидаларни ўрганиш долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3074-

¹ O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 22-dekabr 2017-yil. 16-bet.

сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қасида жанрининг келиб чиқиши, тараққиёти, поэтикаси, жанр чегаралари араб, форс-тожик ва туркий тилдаги адабиётларда, луғатларда², XX аср рус, озарбайжон, форс-тожик ва ўзбек адабиётшунослари асарларида³, маълум шоирлар ижодига бағишланган тадқиқотларда⁴ у ёки бу тарзда баён этилган. Араб ва форс-тожик қасидалари

² Гиёсиддин Муҳаммад. Гиёс ул-луғот. -Душанбе: Адиб, 1988. 2-жилд. -Б.136; Ўзбек адабиёти. 4 томлик. 1-том. - Т.: ЎзССР бадиий адабиёт нашриёти, 1959. -Б. 27; Ўзбек классик шеърини жанрлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

³ Розен В.Р. Древне арабская поэзия и её критика. -СПб, 1872. - С. 22-46; Крачковский И.Ю. Избр. соч. т. 2, - М.-Л.: 1956. - С. 251-252; Бертельс Е.Э. Персидская поэзия в Бухаре X в..- Москва: 1935. -С. 6-10, 26-28; Бертельс Е.Э. Избр. труды. История персидско-таджикской литературы.- Москва: 1960. -С. 127-128; Ханна ал Фахури, История арабской литературы. Моосква: Издательство иностранной литературы. 1959-1961.- С.368; Филштинский М. Арабская классическая литература, Моосква: Наука, 1965; Ворожейкина З.Н. Исфahanская школа поэтов и литературная жизнь Ирана в предмонгольское время (XII-начало XIII в). - Москва: Наука, 1984.- С. 61-67; Ходжа Алтаф Хусейн Хали. Поэтика. -Душанбе: Дониш, 1989. -С. 169-179; Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърини жанрлари. -Тошкент: Фан, -Б. 269-297; Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. -Москва:1963; Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти ва классиклари ижодида гуманизм. -Тошкент: Фан, 1968; Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти тарихидан қисқача курс. Ўқув кўлланма. -Тошкент: 1987; Вахидов Р. Взаимосвязи узбекской и персидско-таджикской литератур во второй половине XV-начале XVI в: Автореф. дисс... докт. филол. наук. - Тошкент: 1987; Рейснер М.Л. Персидская лироэпическая поэзия X- начало XIII века, Москва: “Наталис”, 2006.- С. 423.

⁴ Арасли Ҳамид, Хагани Ширвани. -Баки: Язичи, 1982. -Б.128; Брагинский И.С. Абу Абдаллах Джафар Рудаки. - Москва: Наука, 1989; Мирзоев А. Рудаки. - Москва: Наука, 1968; Сулаймонова Л. Ҳаёт ва эъжодиёти Сайфи Исфараңғи. -Душанбе: Дониш, 1973; Абдуллоев А. Қасидаҳои Жомӣ ва баъзе хусусияти онҳо //Абдурахмони Жомӣ. -Душанбе: Дониш, 1973. -Б.110; Аҳмадхўжаев Э. Шоир Гадоийнинг ҳаёти ва ижоди: филол. фанлари нозоди дисс. автореферати. -Тошкент: 1972; Бакоев М. Ҳаёт ва эъжодиёти Хусрави Дехлавӣ. -Душанбе: Дониш, 1973. -С.189-204; Қодирова М. Алишер Фоний қасидалари. Филол. фан. номз...дисс. -Тошкент, 1969; Болтаева Г. Алишер Навоийнинг “Фусули арбаа” қасидалар туркумининг манбалари ва ғоявий-бадиий талқини. Филол. фан. номз...дисс. -Тошкент, 1999; М.Сулаймонов, Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърининг ривожини. Филол. фан. номз...дисс. -Тошкент, 1996; Маматқулов М. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси (монийлик шеърлари ва «Девону луғотит турк» асосида): Филол. фан. номз...дисс. -Тошкент, 2004; Бобоқалонов С. Хожа Исмаи Бухорий шеърининг жанрий таркиби, услуби ва бадиияти. Филол. фан. номз...дисс. -Самарқанд, 2012; Абдуллаев И. X асрда Бухорода ёзилган қасидалар ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти, - Тошкент, 1962, № 6. -Б. 16-23.; Анисий А. Шарқ адабиётини қасида ва Бадри Чочий// Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1970, №4, - Б. 22; Аҳмадхўжаев Э. Лутфий девонининг янги бир кўлёма нусхаси // Адабий мерос. - Тошкент, 1980, №3.- Б.35-41; Болтаева Г. “Фусули арбаа”да муболага ва унинг кўринишлари (А.Навоий шу номдаги қасидаларидан бири “Саратон” ҳақида)//Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1999, №4. - Б. 57.; Жўрабоев О. Фузулийнинг “Сув қасидаси”// Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2006, №5. -Б. 45.; Рустамов Э. Гадоийнинг бир қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи (Гадоий ва Алишер Навоий таржимаи холига оид материаллар) //Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1967, №2. -Б. 36.; Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2002. №1-6, 2002. №1-3; Шарипова М. “Баҳр ул-худо” қасидаси ҳақида (Муҳаммад Шайбонийнинг шу номдаги қасидаси ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. 2005, №6, -

юзасидан юздан зиёд илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, улар В.Р.Розен, И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, Ханна ал Фахури, М.Филштинский, З.Н.Ворожейкина, Ходжа Алтаф Хусейн Хали, Ш.Шомухамедов, М.Л.Рейснер, Ҳ.Арасли, И.С.Брагинский, А.Абдуллаев, И.Абдуллаев, Р.Воҳидов каби адабиётшуносларнинг илмий асарларида батафсил ёритилган.

Қасида жанрининг энг қадимги изоҳи “Матлаъ ул-улум”⁵ асарида учрайди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида биринчи жанр сифатида тилга олинади. М.Рейснернинг X-XIII асрлар форс лироэпик адабиёти юзасидан амалга оширган тадқиқотида қасида жанрининг генетикаси ва эволюцияси алоҳида ўрганилган⁶. Адабиётшунос олим Э.Рустамовнинг “XV аср биринчи ярмида ўзбек адабиёти” номли монографиясида шу даврда яратилган бошқа жанрдаги асарлар қатори қасидалар ҳам тадқиқ этилган.

Туркий қасидалар тарихи монографик жиҳатдан махсус ўрганилмаганлиги боис XV аср туркий шеъриятида қасида жанрининг тадқиқ ва таҳлили ушбу диссертацион тадқиқотда амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетининг “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзуидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзуидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қасида жанри, унинг шаклланиши, қасида жанрининг туркий шеъриятда пайдо бўлиши ва XV аср туркий қасидачилигининг бадиий-эстетик жиҳатлари, тамойилларини аниқлаш, шулар орқали қасида жанрининг мумтоз адабиётдаги ўзига хос мавқеи, нуфузини муайянлаштириш ва асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Шарқ мумтоз адабиётида қасида жанрининг пайдо бўлиши, унинг ўзига хос тараққиётига назар ташлаш, қасида жанрининг хусусиятларини аниқлаш;

туркий адабиётда мадҳ ва мақтов аломатларининг пайдо бўлиши, қасида жанрининг шаклланиш тарихи ва унга араб ва форс-тожик қасидачилигининг таъсири каби масалаларни тадқиқ этиш;

қасидачиликда XV асрга хос бўлган хусусиятларни, анъана ва новаторлик масаласини ўрганиш, қасиданавис шоирлар ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш;

Б. 81; Эргашхўжаев М. Саккокий ва унинг девони ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. 2005. №3. –Б.110; Эркинов С.“Тухфат ул-афкор” қасидасининг матни ва нашрлари хусусида (А.Навоийнинг форсий қасидаси ҳақида) //Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №4. –Б.21; Қодирова М. “Қасидаи Ҳилолия”нинг татаббўълари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. №4. –Б.40; Қодирова М. Бадр Чочий даври ва ҳаётига оид //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1966. №3. –Б. 69-71; Фаниева С. Яна Гадойининг қасидаси ва “Мажолис ун – нафоис”нинг ёзилиш тарихи тўғрисида //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1972. №5. –Б-53; Ғофуржонова Т. Бадри Чочий //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1983. №5. –Б.43-45.

⁵ Матлаъ ул-улум фи мажмаъ ул-фунун. Тошбосма, 195-б.

⁶ Рейснер М.Л. Персидская лироэпическая поэзия X- начало XIII века, Москва: “Наталис”, 2006. –С. 423

XV асрда яратилган туркий қасидалар поэтикасини тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида XV асрда яратилган туркий қасидалар ва уларнинг бадиий хусусиятларини текшириш ҳамда Мавлоно Саккокий, Гадоий, Лутфий ва Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоийларнинг қасидаларини тадқиқ этиш учун Саккокий девони⁷, «Mevlana Sekkaki Divanı»⁸, Ҳофиз Хоразмий девони⁹, «Harezmlı Hafızın Divanı»¹⁰, «Мавлоно Лутфий (Манзумалар)»¹¹, Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға»¹²си ва Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат”¹³ девони танланди.

Тадқиқот предметини XV асрда яратилган туркий қасидалар, уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва матн таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қасида жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича мавжуд илмий, назарий қарашлар асосида унинг жанрий хусусиятлари XV аср адабий жараёни контекстида очиб берилган;

қадимги “тангирла”, “алқиш” каби жанрлар ва эпик дostonлар таркибидаги мадҳлар воситасида қасида жанрининг туркий муҳитда ўзига хос илдиэлари мавжуд эканлиги далилланиб, унинг энг тараққий этган даври XV аср эканлиги исботланган;

Саккокий ва Ҳофиз Хоразмий томонидан яратилган, аммо тадқиқ этилмаган қасидалари илмий истеъмолга киритилиб, мавжуд манбалар асосида Саккокийнинг нисбаси, яъни туғилган жойга нисбатан тахаллуси ҳамда Гадоий ва Ҳофиз Хоразмий қасидаларининг мамдуҳлари аниқланган;

Саккокий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Алишер Навоийларнинг ижтимоий, фалсафий, диний-тасаввуфий қарашлари акс этган қасидаларини таҳлил ва талқин этиш орқали шоирларнинг мадҳ ва мақтов усули билан мамдуҳларга таъсир этиш ва уларни улкан мақсадлар сари чорлаш маҳорати ҳамда услубларининг ўзига хослиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қасида жанрининг пайдо бўлиши, жанр чегаралари, хусусиятлари, шаклланиш босқичлари, тараққиёти ва XV аср туркий қасидалари тадқиқи, таҳлил ва талқинлари, Шарқ адабиётидаги адабий алоқалар ва жанрлар тараққиётига доир янги илмий маълумотлардан ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси билан боғлиқ тадқиқотлар, дарслик ва методик ишлар яратишда қўл келиши далилланган;

⁷ Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (1937 йили Шоислом котиб томонидан Фитратнинг қўлида бўлган қалам нусха асосида кўчирилган) 7685 рақами остида сақланаётган қўлёзма асар

⁸ Mevlana Sekkaki Divanı. Hazırlayan K.Eraslan. -Ankara, 1999.

⁹ Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейи шарқ қўлёзмалари бўлимида 4298 инвентарь рақамли қўлёзманинг фотонусхаси

¹⁰ Harezmlı Hafızın Divanı. –Ankara, 1988.

¹¹ Мавлоно Лутфий. Манзумалар. – Тошкент: «MERUYUS» ХМНК, 2010.

¹² Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2002. №1-6; 2003. №1-3.

¹³ А.Навоий. МАТ. V т. -Тошкент: Фан, 1987. –Б. 477-483.

Қасидаларнинг вазни, қофияси, қофия унсурлари ва бадий тасвир воситаларининг матн мукамаллигини таъминлашдаги аҳамияти кўрсатилган;

Туркий қасидалар комил инсон ғоясини тарғиб қилиш, халқпарвар, миллатпарвар шахснинг фазилатларини улуғлаш, унинг халқ ва миллат олдидаги бурчларини эслатиш, эзгу мақсадлар ва ғоялар сари етаклаш, инсон кадр-қимматини юқори тутишга чорлаш каби ҳаётбахш мавзуларни қамраб олганлиги билан бугунги кун кишиси дунёқараши ва тафаккурининг ривожланиши ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалишида катта аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларнинг ўрганилаётган давр тарихий-бадий воқелиги илмий кузатувнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва матн таҳлили методлар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, XV асрда яратилган туркий қасидалар ҳақидаги манбалар, тарихий асарлар ва муаллифлар девонларига таянилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қасида жанри, XV аср туркий шеъриясида пайдо бўлган асосий новаторлик жиҳатлар, қасидачиликдаги ўзгаришлар, бадий образлар хусусиятлари бирма-бир кўриб чиқилган. Шу асосда шарқ ва туркий қасидачиликнинг шаклланиши ва ривожининг умумий ҳолатига назар солиш имконияти вужудга келган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек, араб ва форс-тожик адабий алоқалари даврлари, уларнинг хусусиятларини ўрганишда ҳамда олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун маъруза матнлари тайёрлашда, қолаверса, мумтоз адабиётимиз тарихи ва назариясига оид дарсликлар, монографиялар ва ўқув қўлланмалари яратишда манба сифатида фойдаланиш имкониятини яратади. Шунингдек, қасидалари тадқиқ этилган шоирлар девонларини нашр этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XV аср туркий шеъриясида қасида жанрини тадқиқ этишда олинган амалий натижалар асосида:

XV аср туркий шеърияси, темурийлар даври маданияти ва темурий султонларнинг адабиётга қўшган ҳиссалари ва уларга бағишланган қасидалар бўйича олинган хулосалардан ОТ-Ф1-138 рақамли “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик таҳлили” мавзуидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2734-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши билан XV аср туркий шеърияси, темурийлар даври маданияти ва темурий султонларнинг адабиётга қўшган ҳиссалари ва уларга бағишланган қасидаларни ўрганиш имконияти яратилган.

Шарқ мумтоз адабиётининг асосий жанрларидан саналган қасида жанри поэтикаси, композицияси, унинг шаклланиш босқичлари, тарихи ва тараққиёти, туркий қасидачиликнинг шаклланиши, XV аср қасидачилик

анъаналари, шу даврда яратилган қасидалар ва уларнинг бадииятини тадқиқ этиш борасида олинган илмий натижалардан Ф-1-139 рақамли “Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлари типологияси” мавзуидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 сентябрдаги 89-03-3204-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши қасида жанрининг асосий бадиий-эстетик хусусиятларини таърифлаб беришга хизмат қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимида ташкил этилган “Садоқат” ижодий тўғараги ва адабий кечаларда ушбу тадқиқотнинг XV аср туркий шеърятининг ўзига хосликлари, қасида жанри, унинг таракқиёт босқичларини кўрсатиб бериш бўйича хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 01-03/909-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши ёш шоир ва шоираларга мумтоз адабиёт намояндаларининг ҳаёти ва бадиий меросини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этган.

XV аср туркий шеърятининг ўзига хосликлари бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Буюк юрт алломалари” кўрсатувида фойдаланилган. Кўрсатувда Саккокий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий ва Алишер Навоийларнинг ижтимоий, фалсафий, диний-тасаввуфий қарашлари акс этган, XV аср сиёсий-ижтимоий ҳаётини ўзида мужассамлаштирган қасидаларининг аҳамияти ва уларда акс этган янги бадиий-эстетик тамойиллар каби масалалар атрофлича ёритилган (“Маданият ва маърифат” телеканалининг 01-16/377-сон маълумотномаси). Олинган амалий натижалар телетомошабинларни XV аср қасидалари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси юзасидан 17та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та Мавлоно Саккокий девони нашри, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги

асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қасида жанри ва унинг туркий шеърятга кириб келиш тарихи”** деб номланган. Боб икки фаслдан иборат. Биринчи фасл “Шарқ қасидачилиги тарихи” деб номланиб, унда қасида жанрининг пайдо бўлиши, такомилли, араб қасидалари тарихи ва бу жанрнинг форс-тожик адабиётида пайдо бўлиши тадқиқ этилган. Маълумки, қасида Шарқ, хусусан, араб шеърятининг энг кенг тарқалган ва ўзига хос жанрларидан бири бўлиб, бошқа халқлар адабиётидаги эпос, поэма, дoston каби жанрлар сингари катта адабий жанр саналган. Жаҳон адабиётида эса Шарқ адабиётидаги қасида ва мадҳияга яқин турувчи Юнонистонда пайдо бўлиб, тантанавор, кўтаринки руҳда яратилган насихатомуз хор кўшиғига нисбатан айtilган (Пиндар ва бошқалар)¹⁴ ода (юн. *oide*-кўшиқ) деб аталувчи, аммо ёзилиш услубига кўра фарқланувчи адабий ва мусиқий жанр мавжуд.

Қасида арабча “қасд” сўздан олинган бўлиб, ният, интилиш маъноларини беради¹⁵. У ўзининг луғавий маъносига кўра, «тўлиб етилган йирик мағиз»дир¹⁶. Адабий термин сифатида лирик турнинг ўн беш байтдан кам бўлмаган, биринчи байт мисраларига бошқа байтларнинг иккинчи мисралари қофиядош бўлган (аа ба ва га каби) жанрни билдиради. Академик И.Ю.Крачковскийнинг кўрсатишича, қасида араб поэзиясида тахминан Муҳаммад (с.а.в.)дан 150 йиллар илгари пайдо бўлган¹⁷. И.М. Фильштинский эса қасида жанрининг асосчиси Имруулқайс эканлигини таъкидлайди¹⁸. И.Ю.Крачковский қасида араб поэзиясининг марсия ва сатирадан ташқари ҳамма жанрини ўз ичига олган, аммо марсия ва сатира ҳам баъзан шу қасиданинг ичига кирган деб кўрсатади¹⁹.

Шарқ қасидалари композицион жиҳатдан 2 хил бўлади. Қасидаи том (тўлиқ қасида), қасидаи мужаррада (тўлиқ бўлмаган қасида). Қасидаи том “насиб” (ёки ташбиб) деб аталувчи лирик муқаддима, мадҳга ўтишда кўприк ролини ўтовчи “гурезгоҳ” (ўтиш, қочиш), “мадҳ” ҳамда мақталаётган ҳодиса ёки шахсга “дуо” ва матлабни ифодаловчи “талаб” каби қисмлардан иборатдир. Гурезгоҳда шоирнинг кимлиги, унинг истеъдоди ва даражаси маълум бўлади. Чунки, у деярли бир-биридан фарқ қилувчи икки қисм (насиб ва мадҳ)ни шундай улаши керакки, бу из умуман билинмаслиги, хаттоки, улар бир умумий организм эканлиги англашилиши зарур.

Бу биринчи бўлиб Кааб ибн Зухайр қасидаларида ўз аксини топган²⁰.

Саккокийнинг Халил Султонга бағишланган қасидасининг насиб ва гурезгоҳи қуйидагича:

¹⁴ Wikipedia.org/wiki/Oda

¹⁵ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.- Москва. 1958,. -С. 821-822.

¹⁶ Ғиёсиддин Муҳаммад. Ғиёс ул-луғот. -Душанбе: Адиб, 1988. 2-жилд. –Б. 136.

¹⁷ Крачковский И.Ю. Избр. соч. т. 2. -Москва-Ленинград. 1956. -С. 251.

¹⁸ Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. - Москва: Наука, 1965, -С. 30-33.

¹⁹ Крачковский И.Ю. Избр. соч. т. 2. -Москва-Ленинград. 1956. - С. 251

²⁰ Қаранг: Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. - Москва: Наука, 1965. -С. 60.

*...Зулфинг узотир эрди кўб, зулм илгини, они кўрунг,
Ҳоли уёлгондин бошин остин солиб пажмон эрур.
Бошда қилур эрди қошинг, кўнглум ҳақида эгрилик,
Кўз қоққил, ўзни сақласун, даври Халил Султон эрур...*²¹

Одатда, шоирнинг тахаллуси дуо қисмида ўз аксини топади. Қасидаи мужаррадада ушбу қисмларнинг баъзилари бўлмаслиги мумкин. “Насиб” кўпинча муҳаббат мавзусида бўлиб, ундан кейинчалик ғазал аста-секин ажралиб чиққан²².

Ислом маданияти ва адабиёти пайдо бўлганидан кейин, қасида жанрининг маъно-мазмун иянада кенгайди. Мавзуларига кўра, тавҳид, муножот, наът, мадҳия, марсия, ҳажвия, орифона ёки тасаввуфона; насиб қисмига кўра, баҳория, ийдия, ситоия, рамазония, сайфия, рахшия, ҳаммомия; радифларига кўра, сув қасидаси, сухан қасидаси, гул қасидаси, сунбул қасидаси кабиларга бўлинади.²³

Қасида жанри талабларига жавоб бера оладиган том маънодаги қасидачиликнинг такомилда ислом дини ва маданияти муҳим ўрин тутди. Яъни, айнан шу даврга келиб қасида жанрининг мумтоз шакли (насиб, гурезгоҳ, мадҳ, талаб ва дуо қисмлари)га асос солинди, жанрнинг мавзу чегараси ҳам кенгайди: ҳамд ва наът қасидалар пайдо бўлди.

Араб халифалигининг уммавийлар ва аббосийлар сулоласи давридаги сиёсатга норозилик ифодаси сифатида вужудга келган сўфийлик оқими фаолияти фалсафий қасидаларнинг шаклланишига туртки бўлди. Қасида аруз вази ва араб тили орқали аввал форсий, кейинчалик туркий адабиётда тўлиғича намоён бўлди.

“Туркий шеъриятда қасидачилик” деб номланган иккинчи фаслда туркий шеъриятда қасида жанрининг тарихий илдизлари, такомил, араб қасидачилигининг таъсири масалалари тадқиқ этилган.

Қадимги туркий шеъриятда маъно ва мазмун жиҳатдан мадҳ қасидаларга мос келувчи “тангирла”²⁴ (яъни, тангрини макта, улуғла) жанри бўлганлиги манбалардан маълум. Халқ оғзаки ижодида эса шундай “алқиш” жанри бўлганлиги бизга Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари орқали етиб келган. “Девону луғотит-турк” асарида сақланган бир қахрамонлик достонининг муқаддимасида “Тангри алқиши” берилганлиги ҳам буни тасдиқлайди²⁵. Адабиёт дарсликлариди қадимий туркий шеъриятда қасида хусусиятлари бўлган яна “қўнуғ” деб аталган жанр мавжуд эканлиги айтилади²⁶. Аммо “Девону луғотит турк” асарини кўздан кечирганимизда, бу “қўнуғ” эмас, “қошуғ” (قشغ) – кўшиқ, қасида, шеър²⁷ дея таърифланганлигининг гувоҳи бўлдик.

²¹ Девони Мавлоно Саккокий. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 7685 инв. –С. 4^a

²² Е.Э.Бертельс. История персидско-таджикской литература // Избр.труды. – Москва. 1960. - С. 127-128.

²³ Wikipedia.org/wiki/Qasida

²⁴ Древне тюркский словарь. –Ленинград. 1969. -С. 532.

²⁵ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 3 томлик, 1-том. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. -Б. 123.

²⁶ Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Тошкент:Ўқитувчи, 1979.- Б. 27.

²⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 3 томлик, 1-том. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. -Б.357.

Қасида жанрининг илк кўринишлари “Авесто”да ҳам ўз аксини топган. Хусусан, ундаги тўртинчи дафтар шеърий ва мансур яштлар (қасидалар)дан жамланган бўлиб, унда зардуштийликнинг Ахура Mazda, Ардвисура Анахита, Куёш, Митра, Вартрагна, Аша, Хуварна каби илоҳ ва маъбудлари 22 кўшиқ билан шарафланади²⁸.

Туркий ёзма адабиётнинг энг гўзал намуналари асосан бирор бир ҳукмдорнинг илтимоси билан битилган ва унда шу ҳукмдор мадҳ этилган. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” дostonи Қашғар ҳукмдори Табғач Буғрохонга, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари Дод Сипоҳсоларбекка, Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асари мўғул ҳукмдори Носируддин Тўқбуғабекка, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си Олтин Ўрда ҳукмдори Муҳаммад Хўжабекка бағишланган ва уларда туркий адабиётдаги қадимги қасида ҳамда форс ва араб адабиёти орқали кириб келган қасида жанрининг хусусиятлари намоён бўлган мадҳ айтилган. Фақат уларнинг кўпчилигида бу мадҳлар маснавий шаклида берилган. “Қутадғу билиг” асаридаги Буғрохон мадҳи маснавий шаклида ёзилган бўлса ҳам насиб қисми мавжуд бўлганлиги учун туркий қасидаларнинг ривожда катта аҳамият касб этган.

Қутб Хоразмийнинг “Хусрав ва Ширин”и таркибидаги “Шахзода Тинибекхон мадҳи” (38 байт) ва “Малика марҳума Хонималик мадҳи”²⁹(28 байт) ҳам маснавий йўлида ёзилган бўлса-да, қасида жанрининг бир неча қисмларини ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, унда насиб, мадҳ ва дуо қисмлари мавжуд бўлиб, қасида жанрининг такомилида маълум бир босқич бўлганлиги билан характерланади.

Бизгача маълум бўлган том маънодаги энг биринчи қасида Хоразмийнинг (адабиётшунослар “Муҳаббатнома”нинг муаллифи дея тахмин этишади) Сайфи Саройининг мушоараси орқали маълум бўлган, аммо тўлиқ варианты етиб келмаган қасидасидир³⁰. У қуёш чиқиши тасвири билан бошланади. Қасида бор-йўғи 9 байт бўлиб, унинг насиб, насихат ва дуо қисми бор, асосий – мадҳ қисми йўқ.

Туркий шеъриятда қасида жанри XIV-XV асрларга қадар алоҳида жанр сифатида ўз ўрнини топмаган. Асосан, катта асарлар қайси вазн ва шеърий шаклда ёзилаётган бўлса, айнан унинг вазни ва шаклида, асарнинг бир узвий қисми сифатида ёзилиб, вазн ва қофияланиш тартибига кирмаган бўлса-да, жанрнинг асосий кўринишлари (насиб, мадҳ, дуо қисми) ўз аксини топди. Биринчи туркий қасида Хоразмий томонидан яратилди. Бу қасида Сайфи Саройининг мушоараси орқали бизгача етиб келди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“XV аср туркий шеъриятида қасидачилик анъанаси”** деб номланган. Боб уч фаслдан иборат. Унинг биринчи фасли “XV аср биринчи ярми туркий шеъриятида қасида жанри” деб номланиб, фаслда XV аср тарихий вазияти, туркий қасидаларнинг

²⁸ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи. –Тошкент, 1959. -Б.666.

²⁹ Китобда: Уч булбул гулшани. Қутб Хоразмий. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 335-339.

³⁰ Сайфи Саройи, Шеърлар. Гулистон. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. Б-19.

мамдухлари хақида атрофлича фикрлар билдирилган.

XV асрда Мовароуннахр ва Хуросонда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданиятнинг XII-XIII асрларга нисбатан кенг тараққий этишида Амир Темур, Шохрух Мирзо ва Улуғбек Мирзоларнинг ўрни бекиёсдир. “Тазкират уш-шуаро”да айтилишича, Улуғбек Мирзо саройидаги мажлисларда Бадр Чочийга татаббуъ қила олиш маълум шоирнинг камолот ўлчови сифатида қаралган³¹. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннахрнинг ҳам форсий, ҳам туркий шеърлятида қасида жанри ўзининг камолотига етди. Деярли барча шоирлар қасида жанрида ижод қилишган. Уларнинг энг машхурлари Мавлоно Саккокий, Мавлоно Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Шайх Аҳмад Тарозий, Мавлоно Гадоийлардир. Улар томонидан ўттиздан зиёд қасидалар яратилган.

Мавлоно Лутфийнинг қасидагўйлиги хақида Алишер Навоий шундай дейди: “... валекин форсигўй устодлардин кўпининг мушқил шеърлярига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур...”³². Аммо бу қасидалар бизгача етиб келмаган. Лутфийнинг бундан ташқари, 4 та туркий мадҳ қасидаси маълум бўлиб, уларнинг биттаси Шохрух Мирзога, 2 таси Бойсунқур Мирзога, 1таси Алоуддавлага бағишланган³³. Бойсунқур мирзога бағишланган қасиданинг биринчиси 29 байтли бўлиб, насиҳат усулида, кейинги 22 байтли қасидаси Бойсунқур Мирзонинг бирор жангдан ғолиб бўлиб келгани муносабати билан ёзилган. Шоирнинг 27 байтли қасидаси темурий шаҳзода Аловуддавла ибн Бойсунқурга бағишланган бўлиб, 4 байтлик маъшуқа таърифли насиб билан бошланади. Яна бир композицион жиҳатдан ноанъанавий қасидаси Шохрух Мирзонинг оғир касалликдан соғайганлигига бағишланган.

Қасиданавис шоирлардан яна бири шоир Гадоий бўлиб, шоир номи Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби асарларида тилга олинади. Гадоийнинг бизгача етиб келган биргина тўлиқсиз 13 байтли қасидаси анча баҳсталаб бўлган. Ушбу баҳс манбаи қасиданинг мамдуҳи - султон Халилуллоҳ бўлиб, баҳс қайси Халил эканлиги устида борган. Адабиётшунос олим Э.Рустамов қасида Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Халил султонга бағишланган, деб фараз қилса, бунга эътироз билдирган таниқли олима С.Ғаниева қасидани Шохрухнинг қизи томонидан набираси, Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгирнинг биринчи ўғли Муҳаммад султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг тўнғич ўғли Халил Султонга бағишланган деб ҳисоблайди.

Биз ушбу тадқиқот учун “Матлаи саъдайн...”нинг янги нашри билан танишиб чиқдик. Унда Халил султон ибн Мироншоҳ мирзо, Халил султон ибн Муҳаммад Жаҳонгир, мирзо Халил ибн Солиҳ, Халилуллоҳ Дарбандий, Халилуллоҳ Шервоний каби 7 нафар Халил исмли шахслар зикр этилган. Ушбу манбада фазилатлатлари зикр этилган шаҳзода султон Халил бошқа Халилларга қараганда, мадҳ этилишга лойиқ бўлган. Абусаъид мирзонинг вафотидан кейин “ким шоҳ бўлади?” деган савол пайдо бўлганлиги

³¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Қўлёзма. 4519 инв. –С.70

³² Алишер Навоий. Мажолис ун-нафойис. МАТ. 20 томлик, 13-том. Тошкент, 1997. -Б. 56.

³³ Бу ҳақда қаралсин: Мавлоно Лутфий. (Манзумалар). – Тошкент: Meriyyus, 2010. –Б. 11-19.

табийдир. Шоир эса Хуросонни шу вақтда бошқариб турган шахзода султон Халилни подшоҳ сифатида кўришни истаган бўлиши мумкин. Хуллас, қасида Халил султон ибн Мироншоҳга ҳам, Халил султон ибн Муҳаммад Жаҳонгирга ҳам эмас, султон Халил ибн Абусаъидга бағишланган.

XV аср биринчи ярмида Самарқанд ва Мовароуннаҳрда фақат табиий фанлар ва меъморчилик санъати эмас, балки бадий адабиёт ва адабиётшуносликнинг гуллаб-яшнашида ҳам Мирзо Улуғбекнинг, Хуросонда Шохрух ва Бойсунқур мирзоларнинг ҳомий сифатида қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши катта аҳамиятга эга бўлди.

“Мавлоно Саккокий қасиданавис шоир сифатида” деб номланган иккинчи фаслда бизгача энг кўп туркий қасидалари етиб келган шоир Мавлоно Саккокий ижоди, таҳаллуси ва нисбаси, қасидаларининг мавзундарижаси ва мамдуҳлари ҳақида маълумот берилган.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари орқали ўзбек адабиёти янги шоирлар номлари, асарлари билан бойиб, кўпгина илмий муаммолар ўзининг ечимини топди. Бу асар орқали биз қўлимиздаги қўлёмаларда бўлмаган Саккокийнинг бир неча байтлари, бир рубойиси билан танишиш шарафига муяссар бўлдик. Яна бир муҳим томони шундаки, бу асарда Мавлоно Саккокий “Сайроний” нисбаси билан тилга олинган³⁴. Биз тадқиқотлар жараёнида бу сўзнинг маъносини изоҳлаш учун бир нечта манбаларни қарадик. Бу сўзга яқин “кезиш”, “айланиш” маъносини билдирадиган “сайр” сўздан бошқа сўзни топа олмадик.

Саккокий қасидаларидан 4 таси Мирзо Улуғбекнинг ишончли амирларидан бири, ўша вақтдаги Туркистон шаҳрининг шимолида мавжуд бўлган Саброн вилояти ҳокими Арслон Хожа Тархонга бағишланган. Адабиётшунослар, жумладан, Э.Рустамов Саккокийни маълум давр унинг саройида яшаган деб маълумот беради. Қасидалардан бирида шоир мамдуҳга қарата, “бойқушлар уйи бўлган хароб Туркистон сизнинг муборак ҳимматингиздан боғи Эрамга айланди”, - деб, яна бир қасидасида “Туркистон эли ўз хожасини топди”, - деб лутф этади. Демак, Туркистоннинг хароблиги, бойқушлар уйига айланганлиги шоирни изтиробга солганлиги, уни обод этган амирни мадҳ этиши бир тасодиф эмасга ўхшайди. Чунки, бу байтларни ватани тақдирдан ташвишга тушган, воқеаларни ўз кўзлари билан кўрган кишигина ёзиши мумкин.

Биз “Фунун ул-балоға”нинг А.Ҳайитметов домла нашрга тайёрлаган варианты билан кифояландик, мулоҳазаларни баён этишда ҳам шу вариантга таянамиз. “Сайроний” сўзи араб алифбосида - سيرانى шаклида ёзилса, “Саброний” сўзи - سيرانى шаклида ёзилади. Яъни, “ёй” ва “бе” харфларининг 1та нукта ҳисобига фарқланишини ҳисобга олсак, бу сўз қўлёмаларда нотўғри ёзилган бўлиши, ёки қандайдир бир нуктанинг ёзилиб қолиши натижасида кирилл алифбосига “Сайроний” тарзида ўгирилган бўлиши мумкин. Демак, шоир нафақат, Сабронда маълум вақт яшаган, балки, шу ерда туғилган ва шунинг учун ҳам Саброний нисбаси билан аталган.

³⁴ Қаранг: Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2002. №1. –Б. 89.

Шоир девони давр анъанасига биноан ҳамд ва наът билан бошланади. Аввал қасидалар кейин ғазаллар тартибланади. Девонда бир ҳамд, бир наът; 11 мадҳ қасида мавжуд бўлиб, жами қасидалар 407 байт ёки 814 мисрани ташкил этади.

Шу кунга қадар шоирнинг ҳамд ва наът қасидалари бошқа қасидалари қаторига қўшилмаган. Яъни, шоирнинг 11 та қасидаси мавжуд деб ҳисобланган. Шоирнинг “Келди” радибли қасидаси ҳақида мунозарали фикрлар мавжуд. К.Эргашев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1997 йил 25 июль сонидида “Қасида кимга бағишланган?” сарлавҳали мақоласида ушбу қасида Улуғбек мирзога эмас, Шохрух султонга бағишланган деган фикрни илгари суради. Қасида девонда “Дар мадҳи Улуғбек мирзо наввараллоҳу марқадаху” сарлавҳаси билан берилган. Демак, матн ва манба юзасидан қарасак, қасидани Улуғбек мирзога бағишланган деб ҳисоблашимиз зарур. Қасидада:

*Раъият қўй эрур, султон анга чўпон, ёғий бўри,
Бўри ўлгою қўй тингой, чу Мусотек шубон келди*³⁵.

байти бўлиб, барча нашрларда, хусусан, 1988 йил Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр этилган “Ҳаёт васфи” китобида “Раъият қўй эрур, султон анга чўпон, ё бўри” шаклида берилган³⁶. Аслида шоир биринчидан, мисрада уч нарса: “халқ”, “султон”, “душман”ни уч нарсага: “қўй”, “чўпон”, “ёғий”га ўхшатса (бу кейинги мисрада ҳам аниқ берилган), иккинчидан, “... ё бўри” шаклида вазн талаби бузилади. Яъни “ё” - бир бўғин, “ёғий” - икки бўғинли сўз. Шунинг учун бундан кейинги нашрларда бунга алоҳида аҳамият бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

Келди маймуну ҳумоюн ийди олам бўлди шод,

Мақдами сизга муборак, бўлсин, эй Хусравниҳод – байти билан бошланувчи қасида сарлавҳасиз бўлганлиги учун бир неча йиллар давомида икки қасида 1 та ҳисобланиб, шоирнинг Улуғбек мирзога бағишланган қасидалари 4 та саналиб келинар эди.

Мавлоно Саккокий Алишер Навоийга қадар ижод этган шоирларнинг энг машҳури бўлиб, бизгача етиб келган кам миқдордаги, аммо бадий жиҳатдан юксак шеърӣ мероси (13 қасида, 60 ғазал) нинг ўзи ҳам унинг нақадар улуғ шоир бўлганлигини тасдиқлайди. Шоир нафақат ғазалчиликда ўз овозига эга бўлган, балки туркий қасидачиликнинг илк гўзал ва мукаммал намуналарини яратган ижодкор сифатида ҳам мумтоз адабиётимиз тарихида ном қолдирган ижодкорлардандир.

“Ҳофиз Хоразмӣ қасидалари” дея ном олган учинчи Ғуллом номидаги йирик қасиданавислардан яна бири Абдурахим Ҳофиз Хоразмӣ ижоди, қасидалари ва уларнинг мавзу-мундарижаси, мамдуҳлари ҳақида маълумотлар берилди.

Шоир девони 9 та қасида (2-32-бетлар. 22-25-бетларда (қасидаларнинг орасида) бир таркиббанд ҳам киритилган) билан бошланади. Қасидаларининг жами ҳажми 439 байт ёки 878 мисрани ташкил этади.

³⁵ Девони Мавлоно Саккокий. Ўзбекистон ҒА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 7685 инв.-С. 3а

³⁶ Китобда: Ҳаёт васфи. –Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

Подшоҳекем анинг зотиға йўқ шибҳу мисол,

*Офитоби зоти бирла мулки эрур безавол*³⁷ – байти билан бошланадиган биринчи қасида Аллоҳ ҳамди бўлиб, 35 байтдан иборат. Иккинчи (49 байт) ва учинчи (30 байт) қасидалар наът бўлиб, қасидаларда Муҳаммад (с.а.в.)нинг сифатлари: Унинг нури, Одаму Ҳавводан аввал пайдо бўлганлиги, меърож кечаси, унда Жаброил (а.с.) ҳам маҳрам бўла олмаганлиги, Иброҳим Адҳам ўз даврининг ягона подшоҳи бўлган бўлса-да, Унинг ҳукмига қул бўлгандагина мукаррам бўлганлиги таъкидланади. Қирқ байтли тўртинчи қасиданинг мамдуҳи маълум. Чунки қасиданинг радифи “Али” бўлиб, қасида мазмунига кўра, чаҳорёрлардан Али (р.а.)га бағишланган. Бешинчи қасида саккизинчи имом Али бин Мусо (Ризо) (а.с.)га бағишланган. Кейинги қирқ саккиз байтлик қасиданинг мамдуҳи маълум эмас. Ушбу қасида ҳам тасаввуфий насихат услубида битилган ўн уч байтли насиб билан бошланади.

Олтмиш беш байтли еттинчи қасиданинг ҳам мамдуҳи аниқ кўрсатилмаган. Аммо мамдуҳнинг шижоати, уруш майдонидаги жасоратлари, Худо шерини кўрган душман тулкидек қочиши тасвири ва, айниқса, унга “султони дин” сифати берилишидан бу қасида Шоҳрух султонга бағишланган бўлса керак деган фикрдамиз. Шоирнинг яна бир қасидаси, девон тартиби бўйича саккизинчи, эллик уч байтлик қасидасининг ҳам мамдуҳи маълум эмас. Еттинчи ва саккизинчи қасиданинг мамдуҳи бир киши, яъни Шоҳрух султон бўлса керак. Чунки ҳар икки қасидада ҳам мамдуҳнинг «ол ярлиғи» ёки «ол тамғоси» ҳақидаги байтлар мавжуд:

7-қасидада:

*Шафақи домани афлок субҳу шом қон боғлар,
Нишони ёрлигини кўргали ул ол тамғодин*³⁸.

8-қасидада:

*Ўшонинг ол ярлигин кўруб ол айлаганларни,
Кўрарман булганур ул олдин ҳар дам қизил қонга*³⁹.

Жуда кўп манбаларда Амир Темурнинг тамғаси ҳақида маълумотлар учрайди. У юмалоқ шаклда қизил рангда бўлган. Балки, бу тамға темурийлар давлат рамзи сифатида Шоҳрух султон қўл остида бўлгандир. Тўққизинчи қасиданинг мамдуҳи Ҳусайн Сўфи бўлиши керак. Чунки, қасидада:

*Султони мулки маоний ул комилекем эрур,
Оти Ҳусайну зоти жондур вале мужассам...*

Тоқим низом топди Хоразм ичинда дарси,

*Аҳкоми шаръ бўлди бурунғитек муназзам...*⁴⁰ каби байтлар мавжуд.

